9900027188-сонли шартнома

**2-гурух Истеъмолчиларига ичимлик ва окова суви хизматларини кўрсатиш учун**

«10» январ 2022 й.

Ушбу шартнома «Наманган сув таъминоти» МЧЖнинг Наманган шаҳар бўлими, кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи Е. Ходжчев, шахсида, бир томондан ва кейинги (Ф.И.Ш.) ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи Вилоят перинатал маркази асосида иш олиб борувчи директор И. Мухитдинова, (Ф.И.Ш., лавозими)

иккинчи томондан, куйидагилар хақида тузилди:

## I.Шартнома предмети

1.1. 2022 йилга сув етказиш хажми учун тузилган шартномага мувофик бюджет ташкилотлари (бундан буён матнда II гурух истеъмолчилари деб юритилади) учун сув етказиш ______ нарх бўйича ______ $м^3$ни:

$1м^3$ ичимлик сув учун______сўм (+ҚҚС 15%), + ______ сўм (махсус устама хак)ни ташкил килмокда

$1м^3$ окова сув учун ______сўм (+ҚҚС 15%) + ______ сўм (махсус устама хак)

Шу тарика шартноманинг умумий киймати ______ сўмни ташкил килди. (сумма ёзув билан)

Шу жумладан, бюджет маблағларидан______сўм,

бюджетдан ташкари маблағларидан ______сўм

бюджетдан ташкари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гурух истеъмолчилари Қоидаларда белгиланган тарзда «Таъминотчи» томонидан такдим килинган хисобварак-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Ғазначилиги оркали сув таъминоти ва окова сувини чикариш учун ўтказилган маблағлар оркали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартига мувофик равишда (туман худудларида хоким томонидан тасдикланган сув бериш жадвалига асосан) ичимлик суви билан таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув кувурлари тариф кийматида (ҚҚС ни хисобга олган холда) хўжалик-маиший ва ишлаб чикариш-технологик эхтиёжларга йўналтиради.

1.3. «Истеъмолчи» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.11.2017 йилги «Сув таъминоти ва сув чикариш хизмати курсатиш сохасида тулов интизомини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида» ги 5241-сонли Фармонига асосан «Таъминотчи»га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чикариш хизматлари учун тўловларни 100 % олдиндан амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва окова сувини чикариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли карори билан тасдикланган «Истеъмолчиларга сув таъминоти ва окова сувни чикариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари»га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади), хамда Наманган вилоят хокимининг 2019 йил “04” мартдаги 83-ф-сонли Фармойишига асосан 2019 йил 1 мартдан ичимлик сув таъминоти ва окова сув хизматлари тарифларига истеъмолчиларга ичимлик сув таъминоти учун 50 сўм/$м^3$ , окова сув хизматлари учун 50 сўм/$м^3$ махсус устама жорий этилган хакни асосий тарифга кушиб тулашни хамда «Таъминотчи» томонидан такдим килинган коммунал сув етказиб бериш ва окова сув чикариш тизимига уланиш учун рухсат этувчи хужжатларга риоя килиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидаги барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувда эхтиёжи ва сув тизимига уланишдаги эхтиёжини, етказиб беришнинг микдори ва диаметрларини кўрсатган холда, кадастр нусхасини такдим килади. «Таъминотчи» ўз вактида сув [illegible]азиш-окова